

**Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-9-синфлари учун
“Фуқаролик жамияти асослари” фани мавзулари**

Т/р	Мавзуларнинг номланиши	Соат
8-синф		
1	Кириш. Фуқаролик жамияти тушунчасининг мазмун-моҳияти	2
2	Ўзбекистон мустақиллиги ва янги жамият қуриш зарурати	2
3	Тараққиётнинг ўзбек модели ва янги жамият қуриш ғояси	2
4	Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?	2
5	Халқ – янги жамият бунёдкори.	2
6	Маҳалла – фуқаролик жамиятининг ноёб бошқарув тизими	2
7	Баркамол шахс – фуқаролик жамияти таянчи	3
8	Оила ва фуқаролик жамияти	2
9-синф		
9	Жамиятнинг тарихий шакллари	2
10	Фуқаролик жамияти ғоясини шакллантирган тарихий шарт-шароитлар	8
11	Қадимги Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг адолатли жамият ҳақидаги таълимотлари	
12	Амир Темури – буюк давлат ва адолатли жамият асосчиси	
13	Фуқаролик жамиятининг ривожланиш тарихи	
14	Давлат ва жамиятнинг фарқи, муштарак жиҳатлари. Фуқаролик жамиятида давлат	2
15	Фуқаронинг бурч ва масъулияти	2
16	Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг жамият ривожига аҳамияти	2

8-синф

Кириш. Фуқаролик жамияти тушунчасининг мазмун-моҳияти

Фуқаролик жамияти фанини ўрганишдан мақсад. Фуқаролик жамияти фанининг вазифалари.

Фуқаролик жамияти инсоният тарихий тараққиётининг алоҳида етуклик даври сифатида. Фуқаролик жамиятининг моҳияти. Антик полис – фуқаролик жамиятининг тарихий илк шакли. Фуқаролик жамиятининг ўрта аср шакли. Замонавий фуқаролик жамиятининг ўзига хос хусусиятлари. Замонавий фуқаролик жамиятининг фуқаровий мезонлари: фуқаронинг хусусиятлари, Баркамол фуқаролик жамияти шаклланишининг институциявий, ижтимоий-руҳий ва маданий омиллари.

Ўзбекистон мустақиллиги ва янги жамият қуриш зарурати

1980 йилларнинг охирида Ўзбекистонда вужудга келган ўта мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият ва унинг сабаблари. Тоталитар тузум шароитида фуқаролик жамиятига оид ғояларнинг таъқиб қилиниши. Инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди” деб билдирган фикри. Жамиятни янгилаш йўлидага барча соғлом кучларни бирлаштириш орқали инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият қуриш зарурати. Мустақиллик ва демократик жамиятга ўтишнинг ўзаро муштарақлиги. Фуқаролик жамияти – ижтимоий макон сифатида.

Тараққиётнинг ”ўзбек модели” ва янги жамият қуриш ғояси

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожланиш дастури. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли “ўзбек модели”нинг қабул қилиниши ва унинг ривожланиш босқичлари.

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишда рақобатдош кадрларнинг ўрни. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт” қуриш тамойили. Бизнинг мақсадимиз – инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат.

Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?

“Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”, “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти”, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуриш омили. Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси.

Халқ – янги жамият бунёдкори

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш йўлидаги ҳаракатлар. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтиш босқичлари. “Чуқурлаштириш” (1996 йил), “Эркинлаштириш” (1999 йил), “Чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантириш” (2003 йил) ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва **фуқаролик жамиятини ривожлантириш (2010 йил)**.

Жамиятимизнинг маданий-маънавий тикланиши ва юксалиши. Халқ – давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи. Халқимиз танлаган йўл. Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи. Иқтисодий ислохотлар ва уларнинг маънавий негизлари.

Маҳалла – фуқаролик жамиятининг ноёб бошқарув тизими

Жамият тараққиётида маҳалланинг ўрни. Маҳалла ҳақида Авестода, Фаробий, Навоий асарларидаги қарашлар. Маҳалла фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида. Миллатлараро муносабатлар, тотувликни таъминлашда маҳалланинг ўрни. Маҳалланинг оила фаровонлиги ва мустаҳкамлигини таъминлашдаги роли. Оила, маҳалла, таълим муассасалар ҳамкорлиги. Маҳалла – маънавий қадриятлар маскани.

Маҳалла – фуқаролик бурчини шакллантирадиган макон. Маҳалланинг фуқаролик жамиятидаги ўрни ва мақоми. Маҳалланинг халқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари. Маҳалла – инсонлар ўртасида бирлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтирувчи муқаддас даргоҳ. Маҳалла – ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели сифатида. Маҳалла – демократия дарсхонаси.

Баркамол шахс – фуқаролик жамияти таянчи

Баркамол авлод ёҳуд “Портлаш эффекти”. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши. Юксак ривожланган фуқаролик жамиятининг етук ва комил шахслардан таркиб топиши, буюк давлатни фақатгина соғлом ёшларгина кура олиши.

Инсон ва жамият ҳаётида таълим ва тарбиянинг уйғунлиги. Юсуф Ҳос Ҳожиб, Ғаззолий, Нақшбандий, Навоий, Бобур асарларида илм ва маърифат

ҳақидаги ўғитлар. Муқаддас китобларда илм-маърифатга интилиш ҳақида. Илм маърифат – инсоннинг зийнати.

Илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. Жаҳолат – маърифатнинг кушандаси. Чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билади. Миллий қадриятларни, миллий ўзликни англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши йўлида фидоий инсон бўлиш ҳақида.

Оила ва фуқаролик жамияти

Оила - инсон маънавиятини ва фуқаролик бурчини шакллантирувчи асосий мезон. Оила ва шахснинг жамият билан уйғунлиги. Оила жамиятнинг негизи сифатида. Ҳар қандай жамиятнинг фаровонлиги ва маънавий соғломлигининг мезони бу оиланинг аҳиллиги, оиланинг мустаҳкамлигидир.

Оила муқаддаслигини таъминловчи омиллар. Фарзандлик бурчи. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғусининг илдиз отиб, улғая бориши. Туғилиб ўсган юртга муҳаббат. Жаҳон - кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистон – яккаю ягона. “Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган”, деган улуг туйғу ҳар бир фуқаронинг дилига жо бўлиши, ҳаёти мазмунига айланишининг моҳияти.

9-синф

Жамиятнинг тарихий шакллари

Жамият тушунчаси ва тузилиши. Жамиятнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари ва тарихий шакллари (ибтидоий, феодал, бозор муносабатига асосланган жамият, фуқаролик жамиятнинг шаклланиши).

Фуқаролик жамиятнинг белгилари. Фуқаролик жамияти инсоният тарихий тараққиётининг алоҳида етуклик даври сифатида.

Фуқаролик жамияти ғоясини шакллантирган тарихий шарт-шароитлар

Фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатлар, ҳуқуққа оид институтларнинг вужудга келиши оқибатида инсонларнинг фаровон яшашга интилиши, одил жамият қуриш ғояларининг пайдо бўлиши. Фуқаролар ўртасида тенглик ва адолат тушунчаларининг ривожланиши. Фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ давом этадиган, узлуксиз ва мураккаб жараён эканлиги.

Фуқаролик жамияти сиёсий ҳодиса сифатида.

Қадимги Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг адолатли жамият ҳақидаги таълимотлари

Юнон донишмандларидан Платоннинг идеал давлат, Аристотелнинг инсонни сиёсий мавжудот сифатида қадрлаш, Сукротнинг жамият тўғрисидаги таълимотлари, Конфуцийнинг фуқаролик дунёси қадриятлари тўғрисидаги қарашлари.

Зардуштийлик, буддавийлик динларида фуқаролик жамиятига оид тушунчаларнинг акс эттирилиши. “Авесто”да илгари сурилган фуқаролик жамияти ҳақидаги ғоялар.

Амир Темур – буюк давлат ва адолатли жамият асосчиси

Амир Темур тузукларида давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги ўғитлар. Амир Темурнинг давлатчилик, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, салтанат ишларини адолат, кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш борасидаги фикрлари. Темур тамғасининг нақши “рости- русти” бўлиб, бу “ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан”, демакдир. Унинг отларидаги тамға, танга-ю тиллоларига зарб қилинадиган белги ҳам мана шундай уч халқадан иборат эканлиги.

Фуқаролик жамиятининг ривожланиш тарихи

Фуқаролик жамиятининг таркибий тузилиши ва асосий принциплари. Демократия, ҳуқуқий давлатчилик ва фуқаролик жамияти.

Марказий Осиё мутафаккирларининг фуқаролик жамияти асосларига оид қарашлари. Абу Райҳон Беруний, ибн Сино асарларида ҳукмдор ва фуқаро муносабатлари. Давлат ва жамият барқарорлигини сақловчи омиллар. Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари моҳияти. Ислом дини қадриятларида одил подшоҳ, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Алишер Навоийнинг Сабъаи Сайёр, Садди Искандарий, Фарход ва Ширин асарларида одил ҳукмдорлар тавсифи.

Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизлари. Иқтисодиёт ва сиёсат фуқаролик жамиятининг функцияси сифатида. Мулк – фуқаролик жамиятининг асоси. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий соҳаси. Ижтимоий муносабатларнинг уч блоки.

Жамият ва давлатнинг фарқи, муштарак жиҳатлари. Фуқаролик жамиятида давлат

Жамиятнинг ва давлатнинг ўзига хос белгилари, уларнинг фарқи. Давлатнинг функциялари. Ҳуқуқий давлат. Фуқаролик жамиятида давлат жамиятнинг “ёлланма хизматкори” бўлиши. Фуқаролик жамиятида давлат

жамиятнинг назоратида бўлиши. Давлатнинг ички ва ташқи вазифалари. Фуқаролик жамиятининг интеллектуал-назарий соҳаси. Фуқаролик жамиятида сиёсий соҳа ва жамоат хавфсизлиги.

Фуқаронинг бурч ва масъулияти

“Фуқаролик бурчи” тушунчаси. Юксак ахлоқий фазилатлар – фуқаролик бурчини шакллантиришнинг энг муҳим омили. Атроф-муҳитга эътиборли бўлиш. Жамиятда бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг бурчлари ва ҳуқуқларининг акс этиши.

Фуқаровий фаоллик тушунчаси, фуқаровий фаолликнинг вужудга келиши. Фуқаровий фаолликни келтириб чиқарувчи омиллар. Фуқаролик фаоллигининг намоён бўлиш шакллари. Кўнгиллилар фаолияти. Фуқаролик жамиятининг ривожига фуқаровий фаолликнинг аҳамияти.

Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг жамият ривожига аҳамияти

Ўзбекистонда фуқаролик институтлари. Ўзбекистонда фуқаролик институтлари ривожланишининг ҳуқуқий асослари. Давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг ҳуқуқи, билим ва савиясини ошириш, жамиятда демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўзини англаши, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг роли.